



МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАЛАРИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТЕХНИК МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Зайниддинов Воҳидхон Воситович

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази бошқарма бошлиғи

Тоҳиров Зуфар Музаффар ўғли

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази бўлим бошлиғи

Караманов Асқар Нарзиқул ўғли

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази бош мутахассиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19283395>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 24-mart 2026 yil
Ma'qullandi: 26-mart 2026 yil
Nashr qilindi: 28-mart 2026 yil

KEYWORDS

ахборот саводхонлиги, магистратура, илмий маълумотлар базаси, Scopus, илмий тадқиқот.

ABSTRACT

Мақолада магистратура талабаларида халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш масаласи хорижий тажриба асосида таҳлил қилинган. Тадқиқот натижасида ахборот саводхонлигини ривожлантиришнинг учта асосий ёндашуви аниқланиб, уларнинг афзаллик ва камчиликлари баҳоланди. Илмий асосланган ҳолда комплекс интегратив ёндашув самарали экани исботланди.

Глобаллашув ва рақамли трансформация шароитида олий таълим тизимида илмий-тадқиқот фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан халқаро илмий ахборот ресурсларидан фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлиб бормоқда. Замонавий илм-фан ривожини шундан далолат берадики, илмий янгиликлар ва инновациялар асосан халқаро маълумотлар базаларида жамланган билимлар асосида шаклланади. Шу боис, магистратура босқичида таҳсил олаётган талабаларда илмий-техник маълумотларни излаш, саралаш, таҳлил қилиш ва амалиётга татбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш долзарб масалага айланмоқда.

Бугунги кунда Elsevier, Springer, IEEE, ҳамда Scopus каби халқаро илмий-техник маълумотлар базалари жаҳон илм-фанарида етакчи ахборот манбалари сифатида эътироф этилмоқда. Ушбу ресурслар орқали илмий мақолалар, конференция материаллари, патентлар ва таҳлилий маълумотлардан самарали фойдаланиш имконияти яратилади. Бироқ амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, магистратура талабаларининг катта қисми ушбу маълумотлар базаларидан фойдаланиш бўйича етарли кўникмаларга эга эмас. Бу эса уларнинг илмий тадқиқот сифати ва халқаро илмий майдонга интеграциялашув даражасига салбий таъсир кўрсатади [1,2].

Шу нуқтаи назардан, магистратура талабаларида халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва хорижий илғор тажрибаларни таҳлил қилиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Таҳлил: Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, магистратура талабаларининг ахборот саводхонлигини баҳолаш бўйича турли мамлакатларда кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилган. Жумладан, АҚШ, Қувайт, Австралия, Танзания ва Россия олий таълим муассасаларида талабаларнинг илмий базалардан фойдаланиш кўникмалари таҳлил қилинган [4,5,10].

Ушбу тадқиқотлар натижасида талабаларнинг илмий маълумотлар базалари билан ишлаш кўникмалари етарли даражада эмаслиги ва уларни ривожлантириш учун махсус таълим механизмлари зарурлиги аниқланган [11].

Таҳлиллар асосида магистратура талабаларининг илмий тадқиқот олиб бориш салоҳиятини ошириш бўйича учта асосий ёндашув шаклланди.

Биринчи ёндашув. Россия халқлар дўстлиги университетида «Илмий тадқиқот ва нашриёт фаолияти учун маълумотлар базалари» фани олийгоҳ магистратура мутахассисликлари таълим дастурининг мажбурий фанлар блоки таркибига киритилган. Фан юкмаси тақсимида маруза соати сифатида 10, амалий семинар машғулоти учун эса 8 соат белгиланган.

Жанубий-Урал давлат университети «Кимё» таълим мутахассислиги кундузги таълим шакли магистратура талабалари учун «Илмий-техник маълумотларни қидириш, тизимлаштириш ва қайта ишлашнинг замонавий усуллари» фани 1-семестрда ўтилади. Фан мақсадли тарзда талабаларнинг *WoS, Reaxys, SkyFinder, ResearcherID, E-library, Scopus, Springer* каби электрон маълумот базаларидан фойдаланиш имкониятлари ҳақида билим ва кўникмаларини шакллантириши ва ривожлантириши учун таълим дастурига киритилган.

Красноярск шаҳридаги Сибир федерал университетининг деярли барча таълим мутахассисликлари учун махсус ишлаб чиқилган талабаларда илмий-техник базалар билан ишлаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган курслар мавжуд. Бу таълим мутахассисликларига «Биофизика ва тиббиёт муҳандислиги», «Микробиология ва биотехнология», «Табиатни муҳофаза қилиш», «География» кабиларни мисол қилишимиз мумкин [3].

Испаниядаги Сарагоса университети университетда Молекуляр кимё ва гомоген катализ мутахассислиги талабалари (Master's in Molecular Chemistry and homogenous catalysis) юклама ҳажми 2 ECTS кредитига тенг Библиографик манбалар ва маълумотлар базалари (60455-Bibliographic resources and databases) фанини танлов фани сифатида ўзлаштириш имконига эгалар.

Американинг Жанубий Каролина штатида жойлашган Жанубий Каролина университетида Информацион саводхонлик (Information Literacy) курси тақлиф қилинади.

Шарқий Вашингтон университети кутубхона курслари сифатида «Илмий тадқиқотга кириш» (LIBR 210.Introduction to academic research) 5 кредитли курс ва Тиббиёт фанларида ахборот саводхонлиги (LIBR 220. Information literacy for health majors) 2 кредитли курс мавжуд. Университетда Ижтимоий билим

соҳасига мансуб таълим мутахассисликлари учун умумқасбий компетенциялар сифатида ахборот саводхонлиги, аналитик фикрлаш, ёзма алоқа, ижодий фикрлаш ва рақамли саводхонлик танлаб олинган. Таълим дастурларидаги танлов фанлари рўйхати фаннинг шу компетенциялардан бирини ривожлантиришига кўра танлаб, шакллантирилади. Талабаларда «Илмий тадқиқотга кириш» номли 5 кредитли курс кутубхона ресурслари, хусусан, илмий қидирув базаларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириб, танлов фанлари рўйхатига ахборот саводхонлиги компетенциясини шакллантирувчи фан сифатида киритилган.

Таълим олувчиларнинг ахборот ресурсларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ислохотлари **Германия, Словакия, Россия, Хитой ва Қозоғистон** мамлакатлари миқёсида DIRECT лойиҳаси доирасида амалга оширилади. Давомийлик муддати 2 йилни ташкил қилган ушбу лойиҳа мақсадларига биноан талабаларни ахборот саводхонлигини оширишда махсус курслар жорий қилиниб, бу курслардан фан ўқитувчилари кутубхона ходимлари билан ҳамкорликда таълим берадилар. Ахборот саводхонлигига ўқитиш фан дастурини ишлаб чиқишда ECTS кредит тизимига асосланиб, унинг ўқув натижаларига қўйилган талаблар олий таълимда ахборот саводхонлик компетенциявий стандартлари АҚШнинг коллеж ва илмий кутубхоналар ассоциацияси томонидан белгиланади.

Россиянинг баъзи олий таълим ташкилотларининг бакалаврият таълим дастурларида илмий-техник маълумот базалари билан таништирувчи фанларни ўқитиш тизими йўлга қўйилганлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, **“Иқтисодиёт олий мактаби миллий тадқиқот университети”** Социология ва ижтимоий информатика таълим йўналишида юклама ҳажми 5 ECTS кредитига тенг модуль мажбурий фанлар блокига кириб, масофавий шаклда ўқитилади.

Кимёвий технологиялар ва саноат экологияси институтида Органик кимё таълим йўналишида кечки таълим шаклида таҳсил олаётган талабалар ўқув режасига кирувчи фаннинг 3-бўлими Интернетнинг асосий илмий ва техник ахборот ресурслари (Основные научно-технические информационные ресурсы сети Интернет) номини олиб, унда ScienceDirect, SpringerLink, SCOPUS, Web of Science, eLIBRARY.RU, USPTO, Espacenet Роспатент, google patents, PAJ, WIPO каби библиографик ва рефератив маълумот базалари билан ишлаш амалий кўникмасини шакллантиришга бағишланган мавзулар ёритилган. Курс 7-8-ўқув семестрида таклиф қилиниб, мавзулар бўйича амалиёт дарслари учун жами 10 соат, мустақил таълим учун эса 98 соат белгиланган.

Иккинчи ёндашув. Америка Қўшма Штатларининг Корнелл университети табиий фанлар факультети магистрантлараро 2 ёндашувга асосланган, курс ва кредит белгиланган 6 ҳафталик «Маълумотлар билан ишлашда ахборот саводхонлиги» (Data information literacy) курси 2013 йилда жорий этилган.

Германиянинг Мюнхен техник университети кутубхонаси томонидан университет профессор-ўқитувчилари, талаба ва тадқиқотчилари, ташқи тадқиқотчилар ҳамда бошқа ташриф буюрувчи изланувчилар учун “курс”, “э-курс”, “вебинар”, “консультация”, “э-тьюториал”, “Тадқиқотларга бағишланган ҳафталиклар” каби илмий салоҳият ва халқаро маълумотлар базаларидан фойдаланишдаги информатсион саводхонликни оширишга қаратилган хизмат турлари ҳамда тадбирлар таклиф қилинади. Кутубхона талабаларга академик маълумотлар базасидан

фойдаланишни умумий тушунтириш бўйича «Адабиётлар қидируви – таълим воситалари» (Literature Research – Tools for studying), магистрлик диссертацияси ёки илмий мақолалар ёзиш тартиб-қоидалари бўйича «Адабиётлар қидируви – мақола ва диссертацияларни ёзишда қидирув стратегиялари» каби мавзуларга бағишланган консультация, э-курс ва вебинарлар ташкил этган. Бу каби вебинарларнинг давомийлиги 2.5 соатни ташкил қилиб, улар ҳафтасига икки марта немис ва инглиз тилларида ўтказилади [12].

Таълим соҳаси кесимида илмий базаларини аниқлаш, улардан фойдаланишда мақсадли қидириш стратегияларини тузиш ва маълумотларни олиш ҳамда илмий мақолани чоп этиш бўйича зарурий кўникмалар «Диссертация ёзишда адабиёт тадқиқоти қисқа курси» (Compact Course Literature Research for Your Dissertation) доирасида зоом орқали ҳафтасига 2 марта Инглиз ва 2 марта немис тилларида регистрциядан ўтган талабгор шахслар учун ташкиллаштирилган.

Учинчи ёндашув. Америкада талабаларни илмий базалардан фойдаланишда йўналтириш бўйича семестрда бир марта ташкил қилинувчи бир марталик тренинг методи қўлланилади. Бу метод «*one shot-model*» номи билан танилган. Интерфаол таълим ёндашувидан узоқлиги билан бу метод талабаларнинг тадқиқот олиб боришда илмий-қидирув базалари билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда бесамар деб топилиб, бугунги кунда янги ёндашувлар самарадорлигини баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2022 йилда Американинг **Валпараисо университети** (Valparaiso University) тадқиқотчилари томонидан Психология таълим мутахассислигининг талабалари ичида талабаларнинг тадқиқот қилишда кутубхона имкониятларидан фойдаланиш, хусусан, илмий-техник базалардан фойдаланиш кўникмаларини баҳолаш бўйича тажриба ўтказилади.

Методга кўра, таҳсил олаётган талабаларнинг мутахассислик курслари силлабуси таркибига сезиларли ўзгартириш киритмаган ҳолда уларнинг илмий маълумотлар базалари билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда давомийлиги ўртача 7.5 дақиқани ташкил қилувчи микро видео дарслар жорий этилади. Таълим микро роликларни ўзлаштириш 12 ҳафта давомида мунтазам равишда олиб борилиб, ҳар бир видео дарс якунида саволларга жавоб берилиш талаб қилинади. Видео курслар талабаларнинг библиографик маълумотлар билан ишлаш кўникмаси ва ахборот саводхонлик даражасини оширишга қаратилган. Тажриба гуруҳи талабалари учун 12 ҳафта давомида ҳар ҳафта ахборот саводхонлиги бўйича видео дарслар кутубхонанинг YouTube каналига жойлаштириб борилади. Профессор-ўқитувчилар ушбу видео ва саволларни курс силлабусига ҳафталик мустақил таълим топшириғи сифатида интеграция қиладилар. Талабалар дарс сўнгидаги тестларни такроран ишлаш, ҳаттоки қайта ишлаш мобайнида видео дарсни томоша қилиш имконига эга бўладилар.

Шунингдек, мазкур ёндашув **Массачусетс Технология университети**да кенг қўлланилади. Университет кутубхона ходимлари томонидан 12 та мавзуда онлайн видео дарслар ва уларга мос топшириқлар тайёрланган бўлиб, бу дарслар тадқиқот ўтказишни тақозо қилувчи фанларни ўқитишда талабаларнинг тадқиқот қилиш кўникмасини ошириш бўйича мустақил бажариш учун топшириқлар бўлиб, курс силлабусига интеграция қилинган [7].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Association of College and Research Libraries. (2016). Framework for information literacy for higher education. Chicago: ACRL.
2. Baro, E. E., Ebiagbe, E. J., & Godfrey, V. (2013). Information literacy among undergraduate students in Nigeria. *The Electronic Library*, 31(6), 768–781.
3. Eisenberg, M. B., & Berkowitz, R. E. (1990). *Information problem-solving: The Big6 skills approach*. Norwood, NJ: Ablex.
4. Head, A. J. (2013). *Learning the ropes: How freshmen conduct course research once they enter college*. Project Information Literacy Research Report.
5. Lwehabura, M. J. F. (2008). Skills and training needs for use of electronic information resources in Tanzanian universities. *The Electronic Library*, 26(3), 382–395.
6. OECD. (2021). *Digital education outlook 2021: Pushing the frontiers with artificial intelligence*. Paris: OECD Publishing.
7. Secker, J., & Coonan, E. (2013). *Rethinking information literacy: A practical framework*. London: Facet Publishing.
8. UNESCO. (2021). *Engineering for sustainable development*. Paris: UNESCO.
9. World Bank. (2020). *The changing nature of work*. Washington, DC: World Bank.
10. Gross, M., & Latham, D. (2012). What's skill got to do with it? *College & Research Libraries*, 73(6), 574–583.
11. Julien, H., & Barker, S. (2009). How high-school students find and evaluate scientific information. *Library & Information Science Research*, 31(1), 12–17.
12. Saunders, L. (2012). Faculty perspectives on information literacy. *The Journal of Academic Librarianship*, 38(4), 226–236.

INNOVATIVE
ACADEMY